

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСINI ҚАБУЛ ҚИЛДИ

25 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «ИННОПРОМ. Марказий Осиё» халқаро саноат кўргазмасида иштирок этиш учун Россия делегацияси бошчилигида мамлакатимизда бўлиб турган Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири Денис Мантуровни қабул қилди.



Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Россия амалий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, инвестиция

дастурларини амалга ошириш ва янги маҳаллийлаштириш лойиҳаларини илгари суриш, икки мамлакат ҳудудлари кооперацияси учрашувининг асосий мавзуси бўлди.

Машинасозлик, металлургия, қишлоқ хўжалиги, энгил



саноат, кимё ва фармацевтика тармоқларида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу муносабат билан Тошкент шаҳрида ўтаётган саноат кўргазмаси доирасидаги ишбилармонлик тadbирлари-

нинг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БЕЛАРУСЬ БОШ ВАЗИРИ БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

25 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу кунларда Тошкент шаҳрида ўтаётган «ИННОПРОМ. Марказий Осиё» халқаро саноат кўргазмасида Беларусь делегациясига бошчилик қилаётган Беларусь Республикаси Бош вазири Роман Головченкони қабул қилди.

2019 йил август ойида Беларусга қилинган олий даражадаги таширфда эришилган келишув ва битимларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон — Беларусь кўп қиррали ҳамкорлиги ривожда юқори суръат қузатилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Жумладан, ўзаро савдо кўрсаткичлари

барқарор ўсиб, жорий йил бошидан буён 57 фоизга ошди. Иқтисодийнинг устувор тармоқларида икки мамлакат етакчи корхоналарининг кооперацияси кенгайиб бормоқда.

Учрашувда товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва мутаносиблигини таъминлаш, жумладан, бунга қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини тўғридан-тўғри етказиб бериш, савдо уйлари тармоғини ривожлантириш

орқали эришишга алоҳида эътибор қаратилди. Машинасозлик, электротехника, фармацевтика, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатида, қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳаларида қўшма лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Ҳудудлараро ҳамкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, инновацион дастурлар ва маданий-гуманитар алмашинуви биргалик-

да қўллаб-қувватлаш истиқболлари ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича икки мамлакат ҳукуматлари томонидан “Йўл харитаси” қабул қилиниши юзасидан келишувга эришилди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛАРУСЬ: МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Тошкент шаҳрида 25 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Беларусь Республикаси Бош вазири Роман Головченко бошчилигидаги ҳукумат делегациялари учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда кенг қўламли ҳамкорликни, жумладан, савдо-иқтисодий, саноат, транспорт-логистика, маданий-гуманитар соҳаларда янада ривожлантириш масаласи атрофлича муҳокама қилинди.

Беларусь анъанавий равишда Ўзбекистоннинг муҳим ва ишончли савдо шериги бўлиб келган. Мамлакатларимиз иқтисодиёти бир-бирини тўлдиради. 2021 йил икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш қиймати 377 миллион долларни ташкил этди. Жорий йил бу кўрсаткични 500 миллион долларга етказиш бўйи-

ча саъй-ҳаракатларни янада фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Сўнгги пайтда Беларусь ишбилармон доиралари вакилларининг мамлакатимизга қизиқиши кескин ортди. Айни жараёнда маҳаллий маҳсулотларнинг ташқи бозорга чиқиши учун тенг шароит яратилиши муҳим аҳамиятга эга.

Мавжуд шериклик қўшма саноат кооперацияси, жумладан, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, фармацевтика ҳамда машинасозлик соҳаларида ҳам кенгаймоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон билан Беларусь ҳамкорлигини ривожлантиришда фойдаланилмаган улкан салоҳият мавжудлиги, ўзаро савдони фаоллаштириш мақсадида мамлакатларимизда савдо уйлари ташкил этиш мақсадаги мувофиқлиги билдирилди.

Транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш икки томон учун ҳам бирдек манфаатли экани қайд этилди. Бунда барча транспорт турларида юк ташини учун зарур шарт-шароит яратиш, ҳудудлар орқали транспорт воситалари-

нинг тўсиқсиз транзитини таъминлашга қаратилган ҳаракатларни давом эттириш лозимлиги таъкидланди.

Беларусь Бош вазирининг юртимизга таширфи давомида ҳукумат раҳбарлари “Технопарк” тиббиёт маркази қoшида ташкил этилаётган замонавий молекуляр-генетик

Икки давлат вакиллари Марказий Осиёда саноат кооперациясини кенгайтириш, янги ривожланиш нуқталарини аниқлаш, ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш ҳамда янги қўшма

корхоналар ташкил этиш мақсадида жорий этилган “Иннопром. Марказий Осиё — 2022” халқаро саноат кўргазмасида ҳам иштирок этди.

Музокаралар натижасида илм-фан, таълим, маданият, туризм соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қўллаб-қувватлашга эришилди.

Имзоланган ҳужжатлар кўп қиррали Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлигини яқин ва узок истиқболда жадал ривожлантиришга хизмат қилади.

Улғубек МАҲМИРЗАЕВ,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БИРЛАМЧИ ТИББИЙ-САНИТАРИЯ ЁРДАМИНИ АҲОЛИГА ЯҚИНЛАШТИРИШ ВА ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан “Тиббиётдаги ислохотлар — инсон қадри учун” мавзусидаги очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария ёрдмининг сифатини яхшилаш, тиббиёт ходимларини қўллаб-

қувватлаш ва фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларидан узок масофада жойлашган маҳаллаларда 2022 йил давомида маҳалла тиббиёт пунктларини ташкил этиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

СПИНАЛ МУШАК АТРОФИЯСИ ТАШХИСИ ҚЎЙИЛГАН БЕМОР БОЛАЛАРГА ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ВА ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ БЕПУЛ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан “Тиббиётдаги ислохотлар — инсон қадри учун” мавзусидаги очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болалар давлат томонидан тиббий-ижтимоий ёрдам доирасида патогенетик дорилар, тиббий ва ортопедия мосламалари ҳамда реабилитация техник воситалари билан кафолатли таъминланади;

спинал мушак атрофияси касаллиги бўйича хавф гуруҳидаги ҳомилалар аёллар Республика “Она ва

бола скрининг” маркази ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий марказларида, шунингдек, ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази қoшида ташкил этилаётган замонавий молекуляр-генетик Миллий референс лабораторияси ва унинг ҳудудий филиалларида дастлабки ҳамда келгусида уни даволаш стратегиясини белгилаш мақсадида бепул диагностикадан ўтказилади. Бунда, ҳомилалар аёллар яшаш жойи бўйича кўп тармоқли марказий поликлиникалар таркибидаги “Аёллар маслаҳатхонаси бўлими” йўлланмалари асосида юборилди.

(Давоми 4-бетда).



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Органик маҳсулотлар тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 3 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2022 йил 17 мартда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади органик маҳсулотлар (органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш, тамғалаш ва реализация қилиш, шунингдек мувофиқликни баҳолаш ва авторизациялаштириш) соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган органик маҳсулотларга нисбатан татбиқ этилмайди.

(Давоми 2, 3-бетларда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2022 – 2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони билан репродуктив ёшдаги ва ҳомилалар аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, перинатал марказларни зарур тиббий техника ва буюмлар билан жиҳозлаш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш вазифаси белгиланди.

Сўнгги беш йил давомида амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат оналик ва болаликни тизимли равишда муҳофаза қилиш имконини яратди, натижада оналар ва гўдақлар ўлимнинг камайишига эришилди.

Шу билан бирга, олис ҳудудларда тиббий ёрдамни мақсадли йўналтириш тизимини юқори даражада ташкил этиш, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг самарадорлигини ошириш, амбулатор ёрдамни янада яхшилаш, шошилинч ва ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантириш, тиббий генетика ҳамда замонавий скрининг дастурларини жорий этиш талаб этилмоқда.

(Давоми 4-бетда).



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Органик маҳсулотлар тўғрисида

← (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

2-модда. Органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик

Органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:
авторизациялаштириш – мувофиқликни баҳолаш бўйича аккредитация қилинган орган сифатида фаолиятни амалга оширишга ушбу Қонунда ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги органик маҳсулотларга доир бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга риоя этилиши учун масъул бўлган ваколатли давлат органи томонидан рухсатнома бериш;
инспекция назорати – органик маҳсулотларнинг органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчиликда ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш тартиб-таомили;
органик маҳсулотлар — ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш ва реализация қилишининг барча босқичларида органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқариш технологияларини қўллаган ҳолда олинган сертифициатлаштирилган маҳсулотлар;

органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш – органик жиҳатдан мувофиқлик сертификатини олиш учун риоя этилиши зарур бўлган органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқариш технологияларини қўллаган ҳолда маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ва қайта ишлашга доир фаолият;

органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи – органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга доир фаолиятни амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахс.

4-модда. Органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий принциплар

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий принциплар қуйидагилардан иборат:
фуқаролар ҳаёти ва соғлигини сақлашнинг, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилишининг устуворлиги;
органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўналишини танлашдаги ихтиёрийлик;
органик маҳсулотлар тўғрисидаги ахборотнинг шаффофлиги ва очиқлиги;
қайта тикланадиган табиий ресурслардан фойдаланиш;
атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш.

2-боб. Органик маҳсулотлар соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг органик маҳсулотлар соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
органик маҳсулотлар соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;
органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;
органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш ва реализация қилишни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий ҳамда иқтисодий шарт-шароитлар яратади;
органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш чоғида йўл қўйиладиган ифросланиш нормаларини ва органик маҳсулотларнинг, шу жумладан органик экинларнинг (ўсимликларнинг) касалликлари хавфсизлигига доир талабларни белгилайди ҳамда зараркундалардан ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган биологик ва кимёвий моддаларнинг органик маҳсулотлар таркибидаги қолдикларининг йўл қўйиладиган миқдорини белгилайди;
органик маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришга ва унинг ҳудудидан олиб чиқишга, шунингдек органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш, реализация қилишга ҳамда утилизация қилишга доир талабларни белгилайди;
органик маҳсулотлар соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

6-модда. Органик маҳсулотлар соҳасидаги ваколатли давлат органи

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги органик маҳсулотлар соҳасидаги ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади).
Ваколатли давлат органи:
органик маҳсулотлар соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;
органик маҳсулотлар соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;
давлат сиёсати ва унинг ижросини таъминлашга қаратилган давлат дастурларининг мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ барқарор ривожланиш концепцияси принципларига асосланган органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш тизими яратилишини таъминлайди;
органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, шунингдек бу жараён доирасидаги ишларни ташкил этишга доир фаолиятни тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга оширади;
органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига, шу жумладан сертифициатлаштирилган уруғлардан, экиш материалларидан, органик ўғитлардан ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан, озуқа хомашёсидан, озуқавий қўшимчалардан, уй ҳайвонларини, паррандаларни, асалариларни парваришлаш чоғида фойдаланиладиган дори воситаларидан, дезинфекцияловчи ва тозаловчи воситалардан, озик-овқат қўшимчаларидан ва технологик компонентлардан органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш чоғида фойдаланиш билан боғлиқ талабларга риоя этилишининг мониторингини ўтказади;
мувофиқликни баҳолаш органлари фаолиятини авторизациялаштиришни амалга оширади;
мулкчилик шаклидан қатъи назар, бошқа ташкилотлардан органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш тўғрисидаги зарур ахборотни сўрайди ва олади;

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Органик маҳсулотлар тўғрисида

инсон ҳаётининг ва соғлиғининг хавфсизлиги, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига жавоб берадиган инновацион агротехнологик усуллар ҳамда технологиялардан, услублар ва жараёнлардан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик фаоляяти субъектларига органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратади;
органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш масалалари бўйича ўқитиш ва маслаҳат хизматлари кўрсатади;
органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадлари ва истикболлари тўғрисидаги билимларни тарғиб қилишга доир ишларни амалга оширади;
органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар реестрини шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди;
органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилиши мониторингини амалга оширади;
органик маҳсулотлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чораларини кўради;
органик маҳсулотлар соҳасида давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлайди ва ривожлантиради;
органик маҳсулотлар соҳасида инновацион усуллар ва технологияларни ишлаб чиқиш бўйича мақсадли тадқиқотлар ўтказилишини қўллаб-қувватлайди;
ташқи ва ички бозорларда органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш ва реализация қилишни ривожлантиришни қўллаб-қувватлайди;
органик маҳсулотлар соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.
Ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг органик маҳсулотлар соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати:
органик маҳсулотларнинг хавфсизлиги соҳасидаги халқаро стандартлар ва тавсиялар билан уйғунлашган санитария қоидаларини, нормаларини ва гигиеник нормативларни ишлаб чиқаришга жорий этилишини таъминлайди;
техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг органик маҳсулотлар хавфсизлигига мувофиқлиги юзасидан экспертизасини ўтказади.
Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг органик маҳсулотлар соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси:
қишлоқ ҳўжалигида органик чорвачиликни ривожлантириш соҳасидаги халқаро стандартлар ва тавсиялар билан уйғунлашган ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини ишлаб чиқаришга жорий этилишини таъминлайди;
ишлаб чиқарувчилар томонидан органик маҳсулотларни, чорвачиликка оид органик маҳсулотларни ҳамда келиб чиқиши ҳайвонлар ва ўсимликларга мансуб бўлган хомашёни етиштириш чоғида ветеринария тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган ветеринария-санитария талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади.
Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг органик маҳсулотлар соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида:
мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилишни амалга оширади ва уларга аккредитация тўғрисида гувоҳнома беради;
органик маҳсулотларнинг миллий мувофиқлик белгиси шакли ва ўлчамини тасдиқлайди;
техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тизимли равишда жорий этишда, шунингдек органик маҳсулотлар соҳасидаги халқаро стандартларни республикада жорий этишга тизимли равишда қўмаклашади;
мувофиқликни баҳолаш органларининг мутахассислари учун инспекция назоратини ўтказиш доирасида ёки сертифициатлаштириш жараёнида малака ошириш бўйича тадбирларни ташкил этади.
Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг органик маҳсулотлар соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:
қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига ва қайта ишлаш корхоналарига органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш ва реализация қилиш учун ер участкалари ажратилишида амалий ёрдам кўрсатади;
органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотларнинг органик маҳсулотлар сифатида реализация қилинишига йўл қўймаслик чораларини кўради;
аҳолини органик маҳсулотлар етиштириш тўғрисидаги ахборот билан таъминлайди.
Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Органик маҳсулотлар тўғрисида

11-модда. Мувофиқликни баҳолаш органининг ваколатлари

Мувофиқликни баҳолаш органи қуйидаги ваколатларга эга:
халқаро стандартларга мувофиқ органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни сертифициатлаштириш чоғида органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилишини таъминлайди;
органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни сертифициатлаштириш тўғрисидаги ёки органик маҳсулотлар ҳақидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилмаган тақдирда сертифициатлаштиришни рад этиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;
органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларга органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун берилган ер участкаларидаги тупроқ, сув, уруғлар, қўчатлардан ва экиш материалидан, шунингдек озик-овқат маҳсулотларидан ва озуқалардан намуналар олишни амалга оширади;
қонунчиликда белгиланган тартибда органик жиҳатдан мувофиқлик сертификатини беради, унинг амал қилишини тўхтатиб туради ва ушбу сертификатни бекор қилади.
Мувофиқликни баҳолаш органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.
Мувофиқликни баҳолаш органи органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни сертифициатлаштириш учун зарур бўлган ҳужжатларни органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчидан сўраб олиш ҳуқуқига эга.

12-модда. Органик маҳсулотлар соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Органик маҳсулотлар соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:
органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш ва реализация қилишни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришни таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олган қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли давлат дастурларини қабул қилиш ҳамда амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
органик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтказилган қишлоқ ҳўжалиги экинларини етиштиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сертифицикатлаштирилган органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун субсидиялар ажратиш;
органик маҳсулотлар соҳасида инновацион услублар ва технологияларнинг, шунингдек илғор тажрибаларнинг жорий этилишини рағбатлантириш;
органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларга органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни молиялаштиришда, ахборотга оид, маслаҳат ва сертифициатлаштириш хизматлари кўрсатишда қўмаклашиш;
органик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва синов лойиҳаларини амалга ошириш бўйича давлат ва халқаро грант дастурлари доирасида қўмаклашиш;
органик маҳсулотлар тоифасига кирмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларга органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтиш чоғида субсидиялар бериш.

3-боб. Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, улар фаолиятининг кафолатлари

13-модда. Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқлари

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:
органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш ва реализация қилиш чоғида ўз фирма номидан, товар белгисидан ва хизмат кўрсатиш белгисидан фойдаланиш;
органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш ва реализация қилиш учун зарур бўлган хизматлар (ишлар) турларини, шу жумладан мувофиқликни баҳолаш органларини ва маслаҳат хизматлари кўрсатувчи ташкилотларни мустақил равишда танлаш.
Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14-модда. Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг мажбуриятлари

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш, тамғалаш ва реализация қилиш чоғида органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиши шарт.

15-модда. Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг кафолатлари

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларга фаолиятнинг қуйидаги кафолатлари берилади:
органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ажратилган ер участкаларида қишлоқ ҳўжалиги экинларини жойлаштиришни илмий асосланган алмашлаб экиш схемаларига мувофиқ, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек норматив ҳужжатлар талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш;
органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ажратилган ер участкаларида қишлоқ ҳўжалиги экинларини берки жойлаштириш.

4-боб. Органик маҳсулотларга доир умумий талаблар

16-модда. Органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтиш шартлари

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтиш шартлари қуйидагилардан иборат:
органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва мувофиқликни баҳолаш органи ўртасида органик маҳсулотларнинг мувофиқлигини баҳолаш тўғрисида шартнома тузиш;
маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнини органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлаштириш;
органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш органик маҳсулотлар

Халқ сўзи2022 йил 26 апрель

тоифасига кирмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан алоҳида тарзда амалга оширилади;

ўтиш даврида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни «ўтиш давридаги органик маҳсулотлар» сифатида тамғалаш ва реализация қилиш.

Органик маҳсулотлар тоифасига кирмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтиш чоғида ўтиш даври белгиланиб, маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи томонидан бу давр ичида органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларининг бажарилиши таъминланади.

17-модда. Органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга доир талаблар

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга нисбатан қуйидаги талаблар қўйилади:
соғлом ҳайвонлар ва ўсимликлардан, хавфсиз маҳсулотлардан ҳамда келиб чиқиши ҳайвонлар ва ўсимликларга мансуб бўлган хомашёдан фойдаланиш;
органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш чоғида органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлган технологиялардан фойдаланиш;
тупроқ унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш;
ишлаб чиқариш учун органик маҳсулотларнинг муайян турини танлаш чоғида экологик тизимларни сақлаш;
қайта тикланадиган табиий ресурслардан, шу жумладан келиб чиқиши ўсимликлар ва ҳайвонларга мансуб бўлган маҳсулотлардан ҳамда чикиндилардан органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ фойдаланиш;
қайта тикланмайдиган табиий ресурслардан фойдаланишни қисқарттириш;

инсон соғлигига, ўсимликларга ва ҳайвонларга зарар етказмайдиган, атроф-муҳит ифросланишининг олдини оладиган ёки унинг оқибатларини бартараф этадиган технологиялардан фойдаланиш;

технологик жараёнларни сифатли бажариш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда рухсат этилган нормаларда озик-овқат қўшимчаларидан, микроэлементлардан фойдаланиш;
ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича тегишли чораларни кўриш, шу жумладан алмашлаб экишга, касалликларга, зараркундаларга ва бегона ўтларга чидамли бўлган ўсимликлар турларини ҳамда навларини танлаш чоғида механик, биологик ва физик усулларни қўллаш;

маҳаллий шароитларга мослашган, чидамли ўсимлик турларини, навларини ва ҳайвонлар зотларини танлаш;
чорвачиликда органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун келиб чиқиши табиий бўлган моддалардан олинган ингредиентлардан иборат озқуқаларни ва озқуқавий қўшимчаларни қўллаш;

ичимлик суви учун қонунчиликда белгиланган талабларга жавоб берадиган сувдан органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш чоғида ингредиент сифатида фойдаланиш;
айни бир турдаги органик ва ноорганик ингредиентларни битта органик маҳсулотга аралаштирмаслик.

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш чоғида қуйидагилар тақиқланади:

синтетик моддалар, пестицидлар, гормонлар, антибиотиклардан ва кимёвий озик-овқат қўшимчаларидан фойдаланиш;
тупроқдан фойдаланмасдан ўсимлик маҳсулотларини етиштириш усулларини қўллаш;
ионлаштирувчи нувланишдан (манбалардан) фойдаланиш;
табиий ҳолда ўсадиган ўсимликларга ишлов беришнинг кимёвий усулларидан фойдаланиш;
оқова сувлар қўкмасидан, септик чиқиндилардан ҳамда инсон ҳаётига ва фаолиятига доир бошқа чиқиндилардан таркиб топган моддалардан ўғит сифатида фойдаланиш;
чиқиндилардан, кимёвий ва радиоактив моддалардан ифросланган ер участкаларидан, сув объектларидан ва (ёки) уларнинг қисмларидан фойдаланиш;
эмбрионларни трансплантация қилишни, клонлаштиришни ва генга оид муҳандислик усулларини, ген-муҳандислик-модификация қилинган ҳамда трансген организмларни қўллаш, шунингдек ген-муҳандислик-модификация қилинган ва трансген организмлардан фойдаланган ҳолда тайёрланган маҳсулотларни қўллаш.

Органик маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришга, шу жумладан уларни параллель равишда ва бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш шарт-шароитларига доир алоҳида талаблар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланади.

18-модда. Органик маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига органик маҳсулотларни олиб кириш чоғида чет давлатнинг мувофиқликни баҳолаш органи томонидан берилган органик жиҳатдан мувофиқлик сертификатининг ва ушбу мамлакатда қабул қилинган намунадаги органик маҳсулотларнинг келиб чиқишини тасдиқлайдиган сертификатнинг кўчирма нусхалари тақдим этилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган органик маҳсулотларга нисбатан қонунчиликда белгиланган санитария, фитосанитария, ветеринария ҳамда ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари қўлланилади.

19-модда. Органик маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш

Органик маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган шаклдаги органик жиҳатдан мувофиқлик сертификати тақдим этилганда амалга оширилади.

5-боб. Мувофиқликни баҳолаш, мувофиқликни баҳолаш органини авторизациялаштириш, органик маҳсулотлар соҳасидаги эквивалентликни баҳолаш, органик маҳсулотларни тамғалаш

20-модда. Органик маҳсулотларнинг мувофиқлигини баҳолаш

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлашнинг мувофиқлигини баҳолашни ташкил этиш органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар учун ихтиёрийдир.

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Органик маҳсулотлар тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш, тамгалаш ва реализация қилишнинг мувофиқлигини баҳолаш чоғида инспекция назорати органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши нуктаи назаридан амалга оширилади.

Органик жиҳатдан мувофиқлик сертификати органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш, тамгалаш ва реализация қилишнинг мувофиқлиғини баҳолаш натижасидир.

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи органик маҳсулотларнинг мувофиқлигини тасдиқлаш тартиб-таомилидан ўтганидан ва органик жиҳатдан мувофиқлик сертификатини олганидан кейин органик маҳсулотларнинг миллий мувофиқлик белгисидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Органик маҳсулотларнинг миллий мувофиқлик белгисининг тавсифи, шакли ва унга доир техник талаблар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланади.

21-модда. Мувофиқликни баҳолаш органини авторизациялаштириш
Аккредитация қилинган мувофиқликни баҳолаш органи органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш ва реализация қилиш жараёнларининг мувофиқлигини органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ баҳолаш ишларини кейинчалик амалга ошириш учун ваколатли давлат органи томонидан авторизациялаштиришдан ўтиши шарт. Мувофиқликни баҳолаш органи авторизациялаштиришдан ўтиш учун ваколатли давлат органига авторизациялаштириш тўғрисида ариза беради. Авторизациялаштириш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади: аккредитация ҳақидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси; юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси; юридик шахс уставининг ва (ёки) таъсис шартномасининг кўчирма нусхаси; органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, уларга ишлов бериш, уларни қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш ва реализация қилиш (органик ўсимлик маҳсулотлари, чорвачилиқдан олинадиган органик маҳсулотлар, органик озик-овқат маҳсулотлари, органик озуқа маҳсулотлари ва бошқалар) соҳасида базавий ихтисослашув тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган доимий инспекторларнинг ёки инспекторнинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ
БИРЛАМЧИ ТИББЫЙ-САНИТАРИЯ ЁРДАМИНИ АҲОЛИГА ЯҚИНЛАШТИРИШ ВА ТИББЫЙ ХИЗМАТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА
 (Давоми. Бошланиши 1-бетда).
2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев, А.Иноятов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон Фармони билан тасдиқланган оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларни ташкил этиш жадвалига мувофиқ 2022 йилда 136 та янги оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар ҳамда 2023 йилда яна 140 та янги оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолиятини йўлга қўйиш чораларини кўрсин. 3. Белгилансинки: оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг асосланган таклифларига мувофиқ маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда ташкил қилинади; худудларда оилавий шифокор пунктлари тармоғини янада кенгайтириш учун 2023 йил 1 январдан бошлаб жойлардаги оилавий поликлиника филиаллари негизида оилавий шифо-кор пунктлари ташкил этилади; оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиника ва туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида кундузги стационар иш вакти соат 20:00 га қадар узайтирилади ҳамда уларда ишловчи тиббиёт ходимлари учун 2022 йил 1 июндан бошлаб қўшимча устама ҳақи белгиланади; 2022 йил 1 майдан бўшлаб йишма тиббий-санитария ёрдами муассасаларидан олис масофада жойлашган маҳаллаларда маҳалла тиббиёт пунктлари ташкил этилади; аҳолининг профилактик тиббий кўриклари, скрининг дастурлар ва патронаж хизмати фақат Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тартибга мувофиқ ва белгиланган мuddатларда амалга оширилади, бошқа ташкилотларнинг ушбу жараёнга аралашувиغا йўл қўйилмайди. 4. 2022 йил 1 июлдан бошлаб олис ва чекка худудларда оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар шифокорлари учун “Қишлоқ шифокори” дастури тақомиллаштирилсин. Бунда янгиланган “Қишлоқ шифокори” дастури доирасида: олис ва чекка худудлардаги оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда фаолият юритаётган барча шифокорлар ойлик иш ҳақига қўшимча 2 миллион сўм миқдорида ҳар ойлик устама белгиланади ҳамда уларга ипотека асосида уй-жой сотиб олишда уй-жой қийматининг 50 фоизигача қисми, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 баробаридан ошмаган миқдорда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади; олис ва чекка худудларда узлуқсиз уч йил ишлаган шифокорлар клиник ординатурага тест синовларисиз қабул қилинади.

мувофиқликни баҳолаш органи ходимларининг рўйхати ва уларнинг органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, уларга ишлов бериш, уларни қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш ва реализация қилиш соҳасидаги малака даражасини (иш тажрибасини, органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасидаги махсус билимларини, органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларини билишшини) тасдиқловчи ҳужжатлар.

Ваколатли давлат органи мувофиқликни баҳолаш органини авторизациялаштириш ҳақидаги ёки авторизациялаштиришни рад этиш тўғрисидаги қарорни ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш куни ичида қабул қилади.

Мувофиқликни баҳолаш органи:
авторизациядан ўтган тақдирда, органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш ва реализация қилиш жараёнларининг мувофиқлигини органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ баҳолашни белгиланган тартибда амалга оширади;
органик жиҳатдан мувофиқлик сертификатини бериш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки уни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичида ваколатли давлат органини ёзма шаклда хабардор қилади;
бир йил ичида берилган сертификатлар тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ваколатли давлат органига тақдим этади.
Мувофиқликни баҳолаш органининг авторизациялаштиришни рад этиш тўғрисидаги қарори қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:
мувофиқликни баҳолаш органи авторизациялаштиришни бекор қилиш тўғрисида ариза берганда;
органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари мувофиқликни баҳолаш органи томонидан бузилганда;
ушбу модданинг учинчи қисми талабларига мувофиқ бўлмаганда;
мувофиқликни баҳолаш органи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган ахборот ишончсиз бўлганда;
аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилганда, тугатилганда ёки у бекор қилинганда.
Мувофиқликни баҳолаш органи органик маҳсулотларнинг мувофиқлигини баҳолаш тўғрисида ўзи билан шартнома тузган органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларни ушбу органининг авторизациялаштирилиши бекор бўлганлиги ҳақида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Мувофиқликни баҳолаш органи томонидан берилган, авторизациялаштирилиши бекор қилинган органик жиҳатдан мувофиқлик сертификати ҳақиқий деб топилади, бундай маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар эса органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи мақомини органик жиҳатдан мувофиқлик сертификатининг амал қилиш мuddати тугагунига қадар сақлаб қолади.

22-модда. Органик маҳсулотлар соҳасида эквивалентликни баҳолаш
Органик маҳсулотлар соҳасида эквивалентликни баҳолаш ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади. Органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасида эквивалентликни баҳолаш чоғида органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари хорижий мамлакатлар қонунчилигига ва халқаро стандартларга мувофиқ ўрганилади.
23-модда. Органик маҳсулотларни тамгалаш
Органик маҳсулотларни тамгалаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади. Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар органик маҳсулотларнинг миллий мувофиқлик белгисидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувлар томонидан органик маҳсулотларни тамгалашда: «organic» (органик), «biologic» (биологик), «ecologic» (экологик), «natural» (табиий) деган сўзлардан ва уларнинг қисқартмаларидан ёки ушбу сўзлардан ҳосил қилинган сўзлардан алоҳида тарзда ёхуд органик маҳсулотларнинг номига қўшиб фойдаланилиши мумкин; органик жиҳатдан мувофиқлик сертификатини берган мувофиқликни баҳолаш органи аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг Мувофиқликни баҳолаш органларининг давлат реестрида назарда тутилган рўйхатга олиш рақами кўрсатилади.
6-боб. Яқунловчи қоидалар
24-модда. Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар реестри
Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар реестри ваколатли давлат органи томонидан электрон ҳужжат тарзида шаклантирилади ва юритилади. Органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар реестри ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.
25-модда. Органик маҳсулотлар тўғрисидаги ахборотнинг шаффофлиги ва очиклигини таъминлаш
Ваколатли давлат органи фуқароларнинг ҳаётига ва соғлиғига таҳдид солиши ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган қалбакилаштирилган органик маҳсулотлар чиқарилишининг олдини олишга, унинг оқибатларини камайтиришга ёки уни

Ўзбекистон Республикасининг Президентини
Ш. МИРЗИЁЁВ
Тошкент шохри, 2022 йил 25 апрель № УРҚ—766
туманидаги 12 та оилавий шифокор пункти ва оилавий поликлиникаларда, 2023 йилдан бошлаб босқичма-босқич барча худудларда жорий этилади.
Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда уч ой мuddатда ҳар бир худуд аҳолисининг тиббиёт кўрсаткичларидан келиб чиқиб , оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг иш самарадорлигини баҳолаш бўйича янги рейтинг тизимини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий қилсин.
8. 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб тиббиёт тизими раҳбарларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳисобот бериш тартиби жорий қилинсин.
Белгилансинки: туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаси, оилавий поликлиникалар ҳамда оилавий шифокор пунктлари мудирлари маҳалла фуқаролар йиғинларида; туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларида; вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари халқ депутатлари вилоят Кенгашларида ҳисобот беради. 9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (О.Фозилкаримов) 2022 йил 1 октябрга қадар бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларидаги тиббий жиҳозларни хатловдан ўтказсин. Бунда: носоз тиббий жиҳозларни аниқлаб, уларни соз ҳолатга келтириш ёки янгисига алмаштириш учун зарур маблағларни ҳисоб-китоб қилиш; Соғлиқни сақлаш соҳаси учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан тиббий жиҳозлар ҳисобини ва назоратини юритиш бўйича электрон дастур (платформа)ни 2022 йилда Сирдарё вилоятида тажриба тариқасида жорий этиш ҳамда тажриба натижаларни бўйича 2023 йилдан бошқа худудларга босқичма-босқич татбиқ этиш чораларини кўрсин. Молия вазирлиги (Т.Ишметов) хатлов натижасидан келиб чиқиб, тиббий жиҳозларни (физиотерапевтик, лаборатор, текширув ва бошқалар) соз ҳолатга келтириш ёки янгилаш учун зарур маблағларни ажратиш бўйича таклиф киритсин. 10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев): Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов) билан биргаликда 2022 йил 1 ноябрга қадар давлат томонидан аҳолига бепул қўрсатиладиган тиббий хизматлар ва бериладиган дори воситалари ҳажми тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш имконини берувчи мобиль иловани яратсин ва амалиётга жорий қилсин; Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда 2022 йил якунига қадар Андижон, Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги тиббиёт олий таълим муассасалари клиникаларининг нейррохирургия бўлиmlарни негизида юридик мақомга эга бўлмаган худудлараро нейррохирургик марказларни ташкил этсин. 11. Ўз маҳалласида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилган,

бартараф этишга қаратилган чоралар тўғрисида аҳолини хабардор қилади.

Органик маҳсулотларни реализация қилиш билан шуғулланувчи шахсларга органик жиҳатдан мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган органик маҳсулотларни реализация қилиш тақиқланади.

Мувофиқликни баҳолаш органи ваколатли давлат органига органик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар томонидан органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш ва реализация қилиш, шу жумладан уларни қонунчиликда белгиланган тартибда сертификатлаштиришни амалга ошириш тўғрисида ахборот тақдим этади.

26-модда. Низоларни ҳал этиш
Органик маҳсулотлар соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.
27-модда. Органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик
Органик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.
28-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

29-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.
30-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши
Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтган кучга киради.
Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Ш. МИРЗИЁЁВ
Тошкент шохри, 2022 йил 25 апрель № УРҚ—766

Ўзбекистон Республикаси Президентини
Ш. МИРЗИЁЁВ
Тошкент шохри, 2022 йил 25 апрель № УРҚ—766
шахсий намуна кўрсатган тиббиёт ходимлари ва жамоатчилик вакиллари учун “Халқ саломатлиги посбони” кўкрак нишони таъсис этилсин.
Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) икки ой мuddатда “Халқ саломатлиги посбони” кўкрак нишони тўғрисидаги низом лойиҳасини тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.
12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2022 йил 1 июндан бошлаб қон билан бевосита ишлаётган давлат тиббиёт муассасалари ходимларини гепатит “В” касаллигига қарши бепул эмлаш амалиёти жорий этилади .
Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирни амалга ошириш учун зарур маблағларнинг Давлат бюджети ҳисобидан ажратилишини таъминласин.
13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси (Ф.Шарипов) билан биргаликда ҳар йили 1 000 нафаргача имтиёзга эга бўлмаган, узоқ йиллар давомида давлат тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган бемор тиббиёт ходимларига Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси маблағлари ҳисобидан юқори технологик операцияларни ўтказиш амалиётини йўлга қўйсин .
Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси (Ф.Шарипов) икки ой мuddатда мазкур бандда назарда тутилган тиббиёт ходимларини даволашга юбориш тартибини тасдиқласин.
14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.
15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Б.А.Мусаев , соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Ш.Иноятов , соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари О.Р.Фозилкаримов , Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси ижро этувчи директори Ф.Р.Шарипов , Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.
Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Тўйчиев зиммасига юклансин.
Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2022 йил 1 ноябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини
Ш. МИРЗИЁЁВ
Тошкент шаҳри, 2022 йил 25 апрель

ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Кейинги йилларда Олий Мажлис Сенати раҳбарияти жойларда бўлиб, ўрганишлар ўтказиши аънаёнага айланди. Хусусан, Сенат Раиси Т. Норбоева кўни кеча Тошкент шаҳрида ўрганишлар олиб борди.

Ўрганиш

Дастлаб парламент юқори палатаси Раиси пойтахт ҳокимлигида ўтказилган маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ишини самарали ташкил этиш ҳамда хотин-қизлар билан ишлаш масаласида намунавий тизим яратиш бўйича шахар ишчи гуруҳи аъзолари йиғилишида қатнашди.

Ушбу йиғилишда юртимизда хотин-қизларга яратилаётган имкони-

ят ва шарт-шароитлар, аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида атрофича сўз юритилди. Айни чоғда иштирокчиларга хотин-қизлар балансини шакллантириш масаласи тушунтирилди ҳамда барча ҳудуддаги ишчи гуруҳлар томонидан олиб бориладиган зарур бўлган амалий ва-зифаларга эътибор қаратилди. Шу мавзу муҳокамалари Олма-

зор туманида бўлиб ўтган семи-нарда ҳам давом этди. Унда Олма-зор, Шайхонтоҳур ҳамда Учтепа ту-манлари сектор раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари, маҳаллалар фаол-лари қатнашди.

Кайд этилганидек, хотин-қизлар фаоллари томонидан маҳаллалар-даги ишларда баланс шаклланти-риш, ижтимоий кўмакка муҳтож хо-тин-қизларни аниқлаш ҳамда улар-ни қасбга ва тадбиркорликка йўналтириш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрнини мустаҳкам-лаш ва фаоллигини ошириш, му-аммоларини ўз вақтида аниқлаш, оғир ижтимоий ҳолатга тушиб қол-ган оилаларга кўмак кўрсатиш бу-

гунги кунда нияоятда долзарб ҳисобланади.

Сенат Раиси томонидан сўнгги беш йилда хотин-қизларга бери-лаётган эътибор ва уларни қўллаб-қувватлаш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, уларга ҳар томонлама шарт-шароит яратиш, давлат ва жамият ҳаётидаги фаол-лигини янада оширишга хизмат қилувчи зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани, келгу-сида ҳам бу борадаги ишлар жа-дал суръатда давом эттирилиши алоҳида айтиб ўтилди.

Шунингдек, семинарда Президент томонидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш

жараёнларига маҳаллий Кенгашлар депутатларини кенг жалб этиш за-рурлиги таъкидланди.

Сенат Раиси Олмасор тумани-нинг “Гуручарик” МФЙ фаоллари, хусусан, маҳалла раиси, хотин-қиз-лар фаоли, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси билан учрашди. Марказ-да уларга яратиб берилган шарт-шароит ва иш жараёнини кўздан кечирди.

Т. Норбоева туманга таширифи давомидда “Гуручарик”, “Хазрати имом” каби маҳалла фуқаролар йиғинларидаги оғир турмуш ша-роитида яшаётган оилалар ҳоли-дан хабар олди. Хонадонлар эга-ларини қийнаётган муаммолар жойида таҳлил қилиниб, уларнинг ечими бўйича массуларга топ-шириқлар берилди.

Мазкур хонадонлар вакилларига майишй техникалар соғва қилинди.

«Халқ сўзи».

Фракцияларда



ҚОНУНЛАРДА ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ АКС ЭТИШИ КЕРАК

Сийёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакатимиз тараққиёти ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Тадбиркорлар ва ишби-лармонлар ҳаракати — Ўзбе-кистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 75-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси би-ринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси Солиқ ко-дексининг 75-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритишни назарда ту-тади. Унга кўра, жорий йил 1 июл-дан бошлаб юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва улардан олиннадиган ер солиғи бўйи-ча ушбу кодекснинг 483-моддасига, шунингдек, Президентимизнинг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорла-рига асосан тўлиқ озод қилиш кўри-нишида солиқ имтиёзларига эга бўлган солиқ тўловчилар кўрсатил-ган солиқларни ушбу солиқлардан ҳисобланган сумманинг бир фоизи миқдорида тўлашини назарда туту-чи тартиб киритилмоқда.

Йиғилишда ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши натижасида юри-дик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектлари ҳамда ер участкаларидан самарали ва оқило-на фойдаланиш, шунингдек, ка-дастр органларида уларнинг тўлиқ ҳисобини юритиш таъминланиши қайд этилди.

Депутатлар қонунлар халқ ман-фаатига хизмат қилиши керакли-гини айтиб, келим мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор тақлифлар берди ва қонун лойиҳасини маъқуллади.

Шундан сўнг, фракция аъзола-ри “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 473-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди. Мазкур ҳужжат лойиҳасининг қабул қилиниши тад-биркорларга тежалган маблағлар ҳисобидан янги корхоналар таш-кил этиш имконини бериши эъти-шорга олиниб, қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон “Миллий тик-ланиш” демократик партия-си фракцияси аъзолари бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқди. Айниқса, “Ўзбекистон Рес-публикаси Солиқ кодексининг 473-моддасига ўзгартиш ва қўшим-чалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси қизгин кечди.

Президентимизнинг ўтган йил 20 август кўни мамлакатимиз тад-биркорлари билан ўтказган очиқ му-лоқотида белгиланган вазифалар ҳамда 2021 йил 14 сентябрда те-гишли қарори ижросини таъминлаш мақсадига ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси билан махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига бир қатор имтиёзлар берилганди.

Хусусан, улар томонидан кири-тилган инвестиция ҳажмига қараб 5 миллион АҚШ долларигача миқ-дорда — 3 йил, 15 миллион АҚШ долларигача миқдорда — 5 йил ва ундан кўп миқдорда инвестиция ки-ритса 10 йил муддатга фойда со-лиқидан озод этилади.

Депутатларнинг айтишича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилини-ши тадбиркорларга тежалган маб-лағлар ҳисобидан янги корхоналар ташкил этиш, техник ва техноло-гик қайта жиҳозлаш, мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконини беради.

Қизгин баҳс-мунозаралардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар то-монидан қўллаб-қувватланди.

“Адолат” социал-демокра-тик партияси фракцияси йи-ғилишида фракция аъзолари томи-нидан “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги” қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўллаб-қувватланди.

Ҳужжат лойиҳаси билан элек-трон тижорат иштирокчиларига, уларнинг миллий реестрга киритил-ган ёки киритилмаганидан қатъи назар, фойда солиғи ҳамда айлан-мадан олиннадиган солиқ бўйича им-тиёзлар берилиши кўзда тутилганди. Шунингдек, янги барпо этилаётган боғлар, тоқзорлар ва тут-зорлар эгаллаган ерларга юридик шахслардан олиннадиган ер солиғи бўйича имтиёзли давр ўз йилдан беш йилга узайтирилиши назарда тутилганди.

Депутатлар қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманини ижтимоий-иқтисодий ривожланти-риш, тадбиркорларга кенг имко-ниятлар яратиш, аҳоли фаровон-лигини оқсатирилишни эътиборга этди. Савол-жавобларга бой бўлган тадбирда қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда, шунингдек, “Ер участкаларини компенсация эвази-га жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тақомил-лаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг ай-рим қонун ҳужжатларига ўзгарти-ш тўғрисида”ги ҳамда бошқа қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди.

Фракциялар йиғилишларида му-ҳокама этилган масалалар юзаси-дан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИГАН ЙЎНАЛИШЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

Хабарингиз бор, шу йил 20 апрель кўни бўлиб ўтган Сенат Кенгаши мажлисида парламент юқори палатаси йиғирма бешинчи ялпи мажлисини 28 апрелда чақириб тўғрисида қарор қабул қилинганди. Видеоконференцалоқа шаклида икки кун давом этадиган ялпи мажлисида исллохотларнинг ҳозирги босқичида муҳим ўрин тутадиган бир қатор масалалар кўриб чиқилиши режалаштирилган. Айни пайтда улар Сенат қўмиталари томонидан дастлабки тарзда муҳокамалардан ўтказилмоқда.

Сенат ялпи мажлиси олдида



Хусусан, Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажли-сида “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йил 1 чораги ижроси якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

“Ўзбекистон Республикасида тиб-бий-ижтимоий хизматлар тизими та-қомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ки-

ритиш тўғрисида”ги қонун юза-синдан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, қўмита ишчи гу-руҳи томонидан 11 — 15 ап-рель кўнлари “Ахборот-кутуб-бона фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг Алишер Навоий но-мидаги Ўзбекистон Миллий ку-тубхонаси ва Жиззах вилояти-даги ахборот-кутубхона мар-казларидаги ижроси бўйича ўтказилган ўрганиш натижака-

ри кўриб чиқилди. Соҳа учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, биноларнинг қурилиш ва санитария нормаларига мувофиқ-лиги, моддий-техник таъминот билан боғлиқ масалалар танқидий кўриб чи-қилди. Масала юзасиндан мутахассис-лар фикрлари эшитилди.

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси мажлисида бошқа масалалар билан бирга Олий Мажлис Сенатининг 2021 йил 28 май-

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЁНДАШУВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси ва Тошкент давлат иқтисодий университетини ҳамкорлигида “Янги Ўзбекистон: барқарор ривожланишнинг ижтимоий-фалсафий, иқтисодий-сиёсий масалалари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Халқаро конференция

Конференцияда Олий Мажлис Қонунчилик палата-си депутатлари, “Адолат” СДП фаоллари, бир қатор вазирлик ва ташкилотлар вакиллари, мамлакатимиз олий ўқув юртлари профес-

сор-ўқитувчилари, шунинг-дек, АҚШ, Швеция, Туркия, Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларидан нуфузли олимлар, ёш тад-қиқотчилар иштирок этди. Конференцияда ушбу ма-

этилди. “Ўзбекистон олий таълим тизимининг Европа стандартларига ўтиш шароитида ижтимоий фан-ларни ўқитишнинг ўзига хослиги”, шунингдек, бошқа муҳим мавзуларда маъру-залар тингланди.

Конференция няхосида маърузалар юзасидан муҳо-камалар ҳам бўлиб ўтди. Фаол қатнашган ёш олимлар “Энг замонавий маъруза”, “Но-тиқлик маҳорати”, “Энг яхши тақдимот” йўналишлари бўйи-ча рағбатлантирилди.

«Халқ сўзи».

тасдиқловчи электрон ҳужжат шак-ли” қайд этилган. Бироқ ҳозирда ЭРИ билан имзоланган ҳужжат ушбу ЭРИ калити сертификати муд-дати тугагандан сўнг ўз аҳамияти-ни йўқотди. Бунда ЭРИ қачон яратилганлигини, яъни сертификат амал қилган даврдан ёки унинг муддати тугагандан сўнгми аниқ-лаб бўлмайди. Имзоланган ҳужжат-да вақт штампининг мавжудлиги эса ЭРИнинг амал қилиш мудда-тини узайтириш имконини бериб, вақт штамп қўйилган ЭРИнинг унинг сертификат бекор қилинунга ёки қайтариб олингунга қадар яратилганлигини тасдиқлайди.

Лойиҳада халқаро тажрибадан келиб чиқиб, рўйхатга олиш мар-казини аккредитациядан ўтказиш амалиёти жорий этилаётди. Бундан қўзғалган мақсад тўғридан-тўғри таъсир кўрсатуви қонун қабул қилишнинг самарали механизмини жорий этишдир. Натижада ушбу лойиҳада рўйхатга олиш маркази-ни давлат рўйхатидан ўтказиш аккредитациядан ўтказиш амалиё-ти билан алмаштирилмоқда.

Ҳозирги кунда хоржий тажри-бада ишончи сақлаш (Adobe Sign) тизими (булутли технологиялар)дан фойдаланган ҳолда ЭРИни шакл-лантириш хизматлари кўрсатишмоқ-да. Мазкур қонун лойиҳасида мар-казлашган ҳолда ишончи сақлаш (булутли технология) тизимидан фойдаланиш кўзда тутилган. Бу ҳолат давлат хизматларини олиш, ҳисоботларни топшириш учун ЭРИ воситаларидан фойдаланиш, ЭРИ калитлари хавфсиз сақланиши ва улардан фойдаланишда шахсга доир маълумотлар дахлсизлигини таъминлаш учун ишончи сақлаш тизими (булутли технологиялар)ни жорий этиш имконини яратди.

Умуман, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши янги Ўзбекистон-нинг трансформациялаш жараёнида миллий стандартлар асосида ишлаб чиқилган ЭРИ воситаларидан мақсадли, тизимли ҳамда самарали фойдаланиш орқали натижадорликка эришил-ша хизмат қилади.

Оқилжон АБДУАЗИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Раҳбарият ҳузуридаги котибияти катта референти, социология фанлари доктори.

ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИЙ ИМЗО ҚАНДАЙ ИМКОНИЯТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ?

Пандемия ахборот технологиялари тақомиллашуви ва рақамлаштириш жараёнини янада тезлаштирди. Хусусан, интернетнинг челловсиз ёки чегарасиз тармоғи ахборотни реал вақт, онлайн шаклда ўзаро маълумот алмаиш имконини кенгайтирди.

“Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ана шундай ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Мазкур лойиҳа ягона электрон тизим “project.gov.uz” сайтига жойлаштирилди, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳамда “regulation.gov.uz” портали орқали жамоатчилик муҳокамасига қўйилган. Натижада келиб тушган тақлиф ва эътирозлар кўриб чиқилиб, ҳужжат лойиҳаси янада тақомиллаштирилди.

Нуқтаи назар

Яқинда парламентнинг қуйи палатасида ушбу қонун лойиҳаси дастлабки ўқишда концептуал жи-ҳатдан маъқулланди. Ҳужжат лойи-ҳасини таҳлил қилишда унинг айрим жиҳатларини қайд этиш мақ-садга мувофиқ.

Биринчидан, электрон рақамли имзо (ЭРИ)дан фойдаланиш соҳа-сида ягона давлат сиёсатини амал-га ошириш таъминланади. Дарҳа-қиқат, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, трансчегаравий ахборот алоқаси жараёнида электрон ҳужжатлар, ха-барлар ишончилигини ҳамда бутун сақланганлиги қафоллатини ундаги ЭРИни текшириш орқали таъмин-лаш бўйича ишончи учинчи томон хизматларини кўрсатиш учун ахбор-рот воситаси сифатида ташкил этиш давр талабига айланди.

Иккинчидан, ахборотлашган жа-мийятда оммавий коммуникациялар тақомиллашуви натижасида фақат бирламчи манбадан фойдаланиш кучаяди. Бугунги кунда мамлаката-мида хоржий ЭРИни тан олиш, ўз навбатида, Ўзбекистон ЭРИси-ни чет элда тан олиш имконини кўзда тутувчи норма мавжуд эмас. Ушбу бўшлиқни бартараф этиш мақсадига мазкур қонун лойиҳаси-да ЭРИ билан имзоланган элек-трон ҳужжатни қўлда чекилган имзо



ҳамда муҳр билан тасдиқланган қозғ ҳужжатига тенг, деб тан олиш белгилаб қўйилмоқда.

Учинчидан, ЭРИнинг юридик таъ-сири ва аҳамияти кучаймоқда. Бунда электрон ҳужжатлар ва ЭРИдан фой-даланиш қўлими кенгайиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга со-лиш талаб этилмоқда. Хусусан, ЭРИ имзо ёниқ калити эгаси сифатида жисмоний шахслар қатори юридик шахс ҳам белгиланяпти. Ўз навба-тида, юридик шахс ЭРИ калитлари-дан ахборот тизимларида давлат жи-зматларини кўрсатиш ва давлат ва-зифаларини бажаришда фақат ЭРИ-ни автоматик тарзда яратиш учун фойдаланиши шарт бўлади.

Тўртинчидан, янги ижтимоий во-қелик, яъни ЭРИ калитларини бе-риш фақат электрон ҳужжат шакли-

